

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик методикаси: Ўқув қўлланма / Р.Р.Шакуров, Ш.Т.Джуманов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 7-8.
2. Криминалистика: Олий ўқув юртлар учун дарслик / Ғ. Абдумажидов ва бошқ. – Т., 2003. – Б.
3. <https://tviibb.uz/uz/news/gyohvandlik-moddalari-bilan-shugullanuvchi-bir-guruh-shaxslar-qolga-olindi>.
4. Жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик методикаси: Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 16.
5. <https://kun.uz/news/2021/08/19/urgutda-guruh-bolib-bezorilik-qilgan-va-fuqarolarga-tan-jarohati-yetkazgan-shaxslarga-jinoiy-ish-qozgatildi>.



Н. С.Саитова

*Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институтининг
илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи,
1-даражали юрист*

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛГАН ЖОЙДАН ОЛИНГАН ОДАМ ИЗЛАРИ ДНКСИНИНГ СУД-БИОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ

Аннотация. Мақолада жиноятларни фош этишда молекуляр-генетик экспертизадан фойдаланиш ва воқеа содир бўлган жойдан биологик изларни тўғри олиш масалалари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: молекуляр-генетика, ДНК-тахлил, жинойий ишларни тергов қилиш, ҳодиса содир бўлган жойидан биологик изларни олиш.

Аннотация. В данной статье рассматривается вопрос применения судебно-молекулярно-генетической экспертизы при раскрытии преступлений, а также особенности правильного отбора биологических следов с места совершения преступлений.

Ключевые слова: молекулярная генетика, ДНК-анализ, расследование преступлений, сбор биологических следов с места преступления.

Annotation. This article discusses the use of forensic molecular genetic examination in the detection of crimes, as well as the features of the correct selection of biological traces from the crime scene.

Key words: molecular genetic analysis, DNA analysis, investigation of crimes, collecting biological traces from the crime scene.

Бугунги кунда ДНК таҳлилисиз ўта оғир ва оғир жиноятларни фош қилиш ҳамда фуқаролик ёки жиноий процессига боғлиқ масалаларни ҳал қилиш қийин. Ҳозирги замон биология фани, хусусан, молекуляр генетика ва генмуҳандислиги соҳасининг жуда тез ривожланаётганлиги одамнинг алоҳида идентификация белгиларини бевосита ДНКси (дизоксирибонуклеин кислотаси) бўйича текшириб аниқлаш имконини бермоқда. Ҳар бир одамнинг ДНКси ўзига хос, такрорланмас (бир тухум эгизакларини ҳисобга олмаганда) алоҳида тузилишга эга эканлиги жуда юқори аниқлик билан идентификация қилиш имкониятини беради. Шу сабабли айни вақтда ДНК экспертизаси жиноятчиликни очишда, воқеа жойида қолдирилган изларни идентификация қилишда, шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлашда, низоли қариндошлик каби масалаларни ҳал этишда муҳим ҳисобланади.

Одатда, молекуляр-генетик экспертиза фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жинсий дахлсизлигига қарши жиноятлар бўйича кўзғатилган жиноий ишларни тергов қилишда, шунингдек, номаълум жасадларни шахсига аниқлик киритишда кенг фойдаланиладиган экспертлик тадқиқотларнинг бирига киради. Аммо ушбу турдаги экспертиза имкониятларидан ўғирлик, талончилик, фирибгарлик каби мулк жиноятларини тергов қилишда ҳам фойдаланиш мумкин. Жиноятни содир этган шахс ўз изларини қанча йўқотишга ҳаракат қилмасин, барча излардан халос бўлишнинг имкони жуда қийин. Бир дона соч толаси, шунингдек юзаларда қолиши мумкин бўлган сўлак намуналари орқали ҳам шахсни идентификация қилиш мумкин.

Ҳодиса содир этилган жойда қон излари аниқланган ҳолларда, экспертларга воқеа жойидан олинган биологик изларнинг фақатгина гуруҳий мансублигини аниқлашнинг имкони мавжуд эди. Бирок, айни вақтда ҳар қандай биологик изнинг ДНК-таҳлили орқали ушбу биологик материал кимга тегишли эканлигини аниқлаш имконияти пайдо бўлган. Ушбу усулнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, агарда жиноят иши очилмасдан қолган бўлса ва ушбу иш билан боғлиқ ашёларда биологик материаллар мавжуд бўлса, ушбу биологик материаллар бўйича бир неча йиллардан сўнг ҳам ДНК таҳлилинини ўтказиб, иш учун аҳамиятли маълумотларни олиш мумкин.

Криминалистик идентификациялашда ДНК молекуласини ўрганиш самарадорлиги, унинг ўзига хослиги ва барқарорлиги, тирик организмнинг генетик барқарорлиги ва тадқиқот усулларининг юқори сезгирлиги билан боғлиқ. Албатта, ДНК молекуласининг атроф-муҳит таъсирига чидамлилиги ошиши, бошқа усуллар билан тадқиқ қилиш имконсиз бўлиб қолган ҳолларда ҳам ўрганиш объектини аниқлаш имконини беради [1].

Молекуляр-генетик экспертиза бошқа текширув турларига нисбатан жуда ёш бўлишига қарамай, ҳозирги вақтда у энг ишончли далилий усуллардан бири

бўлиб, унинг ёрдами билан махсус фуқаролик ва жиноий иш юритиш доирасида биологик қариндошликни аниқ белгилашнинг имконини беради [2].

Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси объектларига ўз таркибида ДНК молекулаларини сақлайдиган ҳар қандай одам биологик материаллари, жумладан қотиллик содир этилгандаги биологик материаллар ташувчилар киради. Масалан, воқеа жойидаги қон излар; қон ва тана ажратмаларининг қуриб қолган излари; ашёвий далилдаги биологик излар (қон, сўлак, тер-ёғ излари), яъни сигарет қолдиқлари; воқеа жойида қолдириб кетилган кийим-кечаклар, кепка, ниқоблар; стакан; бакалажкалар; қотиллик қуролларидаги биологик излар (қон, тер-ёғ излари), пичоқ, арқон, стол, стул, турли темир буюмлар, шиша идишлар, тошлар каби қотиллик қуроллари сифатида фойдаланилган барча нарсалардаги қон ва тер-ёғ қолдиқлари; воқеа жойидан топилган соч толалари; бўлакланган тана қолдиқлари; мурда объектлари; тишлар ва суяк фрагментлари; ўзида инсонга тегишли қолдиқларини сақловчи турли кийимлар, ички кийимлар, ёпинчиқлар, ёстиклар, суртмалар ва бошқалар.



1-расм



2-расм

Илм-фан тараққиёти генетик маълумотларнинг молекуляр ташувчиларини ўрганиш билан боғлиқ масалаларнинг аҳамиятини камайтирмайди, уларнинг ечимини таҳлил қилиш учун энг кам вақт сарф қилган ҳолда ДНК молекулаларини аниқлашнинг янги, янада самарали усулларини излаш ва яратишни талаб қилади. ДНК-таҳлили якунида ижобий натижа олиш нафақат ушбу таҳлилни ўтказаяётган экспертга, балки ушбу биологик материал ташувчиси билан ишловчи биринчи кўл билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Ҳодиса содир бўлган жойни тўғри кўздан кечириш, биологик намуна ташувчиларини тўғри излаб топиш, олиш, қадоклаш ва экспертиза текширувлари учун етказиб бериш, якуний хулосанинг 50 % ни ташкил этади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида предмет-ташувчидан биологик изларни, хусусан, қон, тери, сўлак, соч намуналарини олишда синчковлик ва эътибор талаб этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Суюқ ҳолатда бўлган биологик излардан намуна олишда ҳароратни муқобил ушлаб турадиган ва герметик зич ёпиладиган стерил капилляр ёки микрошприцлардан фойдаланиш мумкин.

Биологик материал излари (қон, қон доғи, сўлак, тер ва бошқалар) мавжуд бўлган ашёвий далиллар (масалан, пичоқ, болта ва бошқалар) бутунлигича олиниши лозим. Агар ашёвий далил катта бўлиб, уни бутунлигича олиш имконияти бўлмаса, унинг биологик материал мавжуд бўлган бўлаги олиниши керак. Шунингдек, бу ҳолда бўлинган нарсанинг бошқа тоза бўлагидан ҳам намуна олиниши шарт. Агар буларнинг ҳар иккаласини ҳам олиш имконияти бўлмаса, бу ҳолда биологик материал кириб олиниши ёки биологик материалдан тоза бинт дасуртма олиниши зарур [5].

Юқорида айтиб ўтилганидек, ДНК экспертизасининг текширув объектлари бўлмиш, қон, сўлак, тер ажралмалари, маний, сочлар кабилар жиноятнинг очилишида, хусусан жиноятчи шахсини идентификация қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда текшириш учун материал ва ҳужжатларни тайёрлаш қоидаларига, экспертизани ўтказиш услубларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда берилган ДНК экспертизасининг ҳулосаси ўзининг аниқлиги ва юқори даражада ишончлилиги билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Актуальные проблемы медико-генетической экспертизы при раскрытии и расследовании преступлений идентичности человека // Молодой ученый. — 2019. — № 28 (266). — С. 152-154.
2. Мамурков В. А. Криминалистические аспекты судебно-биологических и генетических экспертиз в расследовании преступлений // Российский юридический журнал. – 2018. – № 5. – С. 128–133.
3. Абдулина Е. В. Особенности изъятия биологических объектов трупов для проведения генетических исследований по материалам уголовных и гражданских дел // Вятский медицинский вестник. – 2018. – № 1. – С. 34–37.
4. Комиссарова Я. В. О профессиональном статусе эксперта в Российской Федерации / Я. В. Комиссарова // Юридический вестник. – 2018. – № 1. – С. 124–128.